



Ким тумор тақиб олган бўлса, дарҳақиқат, ширк қилибди

Уқба ибн Омир разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига бир гуруҳ одамлар келди. Тўққизтасининг байъатини (аҳдини) қабул қилдилар ва биттасидан қўлларини тортдилар.

Саҳобалар: «Ё Расулуллоҳ, тўққизтасининг байъатини қабул қилдингиз ва биттасини тарқ қилдингиз», - дедилар. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Унда тумор бор», - дедилар. Ҳалиги киши қўлини киргизди туморни юлиб ташлади. Сўнг байъатини қабул қилдилар ва шундай дедилар: «Ким тумор тақиб олган бўлса, дарҳақиқат, ширк қилибди».

[Хасан] [Аҳмад ривояти]

Ўн кишидан ташкил топган бир гуруҳ одамлар Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келдилар. Тўққизтасининг Ислом дини ва Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашишга бўлган байъатини қабул қилдилар, ўнинчи кишининг байъатини қабул қилмадилар. Бунинг сабаби ҳақида сўралганларида: «Унда тумори бор экан», - дедилар. Тумор - кўз тегиши ва зарарни кетказиш учун маржон ва шу кабилардан ясалган нарса бўлиб, уни бойлаб ёки осиб олишади. Шунда бояги киши туморни юлиб ташлади ва ундан халос бўлди. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам шу пайтда унинг байъатини қабул қилдилар ва туморлардан огоҳлантириб, унинг ҳукмини баёнлаб шундай дедилар: «Ким тумор тақиб олган бўлса, дарҳақиқат, ширк қилибди».

<https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/6762>

